

2019

## FEATURES OF FORMATION OF THE CONCEPT OF THE NATIONAL INNOVATION SYSTEM

Gulnora Gulyamova PhD

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, g.gulyamova@iiiau.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Islamic Studies Commons](#), and the [Technology and Innovation Commons](#)

---

### Recommended Citation

Gulyamova, Gulnora PhD (2019) "FEATURES OF FORMATION OF THE CONCEPT OF THE NATIONAL INNOVATION SYSTEM," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 38.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss4/38>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**GULNORA GULYAMOVA,**  
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF  
 UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD in economics,  
 Senior teacher of the department «The Islamic Economy  
 and finances, pilgrimage tourism». g.gulyamova@iiiau.uz.  
 II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.*

## МИЛЛИЙ ИННОВАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИНING ШАКЛЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

### ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ КОНЦЕПЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ

### FEATURES OF FORMATION OF THE CONCEPT OF THE NATIONAL INNOVATION SYSTEM

**Калит сўзлар:** *миллий инновация тизимлари, инновация сиёсати, инновацион билим, технологиялар трансфери, техноиктисодий парадигма, венчур фондлар, инновация диффузияси, инновацион кадрлар, инновацион иқтисодиёт.*

**Ключевые слова:** *национальные инновационные системы, инновационная политика, инновационные знания, трансфер технологий, технико-экономическая парадигма, венчурные фонды, распространение инноваций, инновационный персонал, инновационная экономика.*

**Keywords:** *national innovation systems, innovation policy, innovative knowledge, technology transfer, technical and economic paradigm, venture capital funds, the spread of innovation, innovative personnel, innovative economy.*

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигини таъминлаш жамиятнинг инновацион ривожланиши жараёнида юз берувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантиришни талаб этади. Бундай муносабатлар глобаллашув жараёнининг муҳим талабларидан бўлган миллий инновация тизимини ривожлантириш йўли билан шакллантирилади. 2018 йил 21 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони эълон қилиниб, унда «Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарт» эканлиги белгилаб қўйилди [1; 3 б.].

**Долзарблиги.** Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги қуйидаги бир қатор ўзаро боғлиқ ҳолатлар билан белгиланади: биринчидан, миллий инновация тизими шаклланиши ҳозирги даврда жуда секин юз бераётган ва қарама-қаршиликларга эга бўлган жараён бўлиб, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Бунинг учун миллий инновация тизими, инновацион иқтисодиёт моҳияти ва мазмунини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиши, миллий инновация тизимининг концептуал моделини аниқлаштириш талаб этилади.

Иккинчидан, миллий инновация тизимларини шакллантиришнинг турли моделларининг юзга келиши ва уларнинг энг самаралисини танлаш муаммоси инновацион ривожланиш моделлари таснифини шакллантириш заруриятини белгилаб бериб, бу мамлакат инновация тизимининг ҳозирги босқичдаги ҳолатига баҳо бериш ҳамда уни ривожлантириш истикболларини аниқлаш имконини беради.

Учинчидан, миллий инновация тизими фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлиб инновация сиёсатининг институционал асосларини шакллантириш бўйича давлатнинг чора-тадбирларини такомиллаштириш ҳисобланиб, у миллий инновация тизими таркиби, миллий хусусиятларини ҳисобга олинган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг инновация сиёсати инновацияларни жорий этиш механизминини такомиллаштириш, миллий инновация тизимини ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодиётини инновацион ривожлантиришга эришиш мумкин.

**Қўлланилган усуллар.** Тадқиқот давомида монографик тадқиқот, статистик ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Инновация иқтисодий тушунча сифатида дастлаб Й.Шумпетер томонидан киритилган. Турли олимлар, асосан хорижий олимлар (шу жумладан, Н. Мончев, И. Перлаки, В. Хартман, Б. Твисс ва бошқалар.) бу тушунчани ўз тадқиқотларининг объекти ва предметиға боғлиқ ҳолда таърифлашган. Масалан, Б. Твиссининг фикрича [11; 217 б.], ихтиро ёки ғоянинг иқтисодий таркибга эга бўлиш жараёни инновация ҳисобланади. Б. Сантонинг ҳисоблашича [9; 27 б.], инновация – бу шундай ижтимоий-техник иқтисодий жараёнки, агар ғоя ёки ихтиролар амалиётда қўлланилса, у ҳолда янги замонавий қурилма ва технологияларнинг яратилишига олиб келади. Миллий инновация тизими тушунчаси Б. – А. Лундвалл ва К.Фримен томонидан қўлланилган. МДХ

Мақолада миллий инновация тизимлари концепциясининг шаклланиши, унинг замонавий иқтисодий назариядаги аҳамияти, миллий инновация тизимининг иқтисодий тушунча сифатида назария ва амалиётга кириб келиш тарихи ўрганилган. Миллий инновация тизимида турли муаллифларнинг қарашлари таҳлил этилган. Миллий инновация тизими концепциясининг ривожланиш босқичлари ажратиб берилган.

Миллий инновация тизими фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси сифатида инновация сиёсатининг институционал асосларини шакллантириш бўйича давлатнинг чора – тадбирларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Миллий инновация тизими бўйича турли хил қарашлар таҳлил этилиб, умумлаштирган ҳолда миллий инновация тизимини қуйидаги тўрт ташкил этувчи бирлиги ва улар ўртасидаги ўзаро таъсир этиш муносабатларидан иборат деган хулосага келинган: билимлар шаклланивчи тузилма; технологиялар трансфери тизими; инновацияларни молиялаштириш тизими, инновацияларни ишлаб чиқариш тизими ва инновацион кадрлар тайёрлаш тизими. Давлат томонидан инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишлари кўрсатиб берилган бўлиб, инновацион билим ва технологияларни яратиш, сақлаш ва тарқатиш бўйича фаолиятларни амалга ошириш, илмий-инновацион соҳани бошқаришнинг барча субъектларини бирлаштирувчи миллий инновация тизимини шакллантириш бўйича таклифлар берилган.

В статье исследуются вопросы формирования концепции национальных инновационных систем, ее значение в современной экономической теории и история внедрения национальных инновационных систем в экономическую теорию и практику. Анализируются разные авторские взгляды на национальную инновационную систему. Выделены этапы развития концепции национальной инновационной системы.

Вопросы совершенствования государственных мер по формированию институциональной основы инновационной политики рассматриваются как важный инструмент повышения эффективности национальной инновационной системы. На основе анализа различных взглядов на национальную инновационную систему автор пришел к выводу, что национальная инновационная система состоит из следующих четырех элементов и их взаимосвязей: структура формирования знаний; система трансфера технологий; система финансирования инноваций, система производства инноваций и инновационная система подготовки кадров. в статье подчеркивается, что государство определяет основные направления поддержки инновационной деятельности, автором разработаны предложения по реализации мероприятий по созданию, сохранению и распространению инновационных знаний и технологий, формированию национальной инновационной системы, объединяющей все субъекты управления научно-инновационной сферой.

The article examines the formation of the concept of national innovation systems, its importance in modern economic theory and the history of the introduction of national innovation systems in economic theory and practice. The author analyzes different views on the national innovation system. The stages of development of the concept of a national innovation system are highlighted.

The issues of improving state measures to form the institutional basis of innovation policy are considered as an important tool to increase the effectiveness of the national innovation system. Based on the analysis of various views on the national innovation system, the author came to the conclusion that the national innovation system consists of the following four elements and their relationships: the structure of knowledge formation; technology transfer system; innovation financing system, innovation production system and innovative personnel training system. the article emphasizes that the state determines the main areas of support for innovation, the author has developed proposals for the implementation of measures to create, preserve and disseminate innovative knowledge and technologies, the formation of a national innovation system that unites all subjects of science and innovation management.

мамлакатларида россиялик иқтисодчи олимлардан Сергеев В.М., Алексеенкова Е.С. ва В.Д.Нечаевлар [10; 6-22 б.] хорижий мамлакатлар миллий инновация тизимини таҳлил этганлар. Ўзбекистонлик иқтисодчилардан миллий инновация тизими Р.О.Алимов, А.Ф.Расулев, А.М.Қодировлар томонидан амалга оширилган.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Инновация фаолияти жуда кўплаб иштирокчиларнинг қатнашувини талаб этувчи мураккаб жараён бўлиб, бундай мураккаблик миллий инновация тизими тушунчаси билан боғлиқдир. Миллий инновация тизими тушунчаси ХХ асрнинг 80-йилларида Буюк Британиялик иқтисодчи-олим Кристофер Фримен томонидан таклиф этилган ва унинг фикрича «миллий инновация тизими хусусий ва давлат ташкилотлари ва муассасалари тармоғи бўлиб, уларнинг

фаолияти ва ўзаро таъсири натижасида янги технологиялар вужудга келади, импорт қилинади ва янгиланади ҳамда тарқатилади» [16; 295–309 б.].

Шуни таъкидлаш керакки, худди шу даврда ғарбда миллий инновация тизими концепцияси шакллана бошлади. Концепция шаклланиши тарихини ўрганиш уни унга босқичга ажратишга асос бўлди:

– биринчи босқич концепция вужудга келган давр бўлиб, у ўтган асрнинг 80-йилларидан 90-йилларнинг бошларигача давом этди. Бу даврда К.Фриман, Б.А.Лундвалл, Р.Нельсон, Ч.Эдквистларнинг илмий ишларида технологик ривожланишни ўрганиш асосида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига баҳо беришнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилди [20]. К.Фримен фикрига кўра, Кондратьев-Шумпетернинг ҳар бир циклида

жаҳон иқтисодиётидаги тармоқлардан бирининг устувор ўрнини белгилаб берувчи битта «техно-иқтисодий парадигма» ҳукмронлик қилади [5; 224 б.]. Мазкур парадигма жаҳон хўжалигининг етакчи мамлакатлари эга бўлган энг яхши амалий билимлар тизимини ўз ичига олади. Ҳар бир парадигма шаклланиш, юксалиш ва жаҳон хўжалигини янада ривожлантириш учун зарур барча технологик билимлар тугаб бўлган инкироз фазасини бошдан ўтказди. Ривожланиш даражасига кўра нисбатан паст ўринни эгаллаган мамлакат учун жаҳон хўжалигида техноиқтисодий парадигма алмашинаётган даврда технологик куролланиш жиҳатидан анча юқори турган мамлакатларга етиб олиш ва бирданга юқори тараққиёт даражасига кўтарилиш учун имконият юзага келади. Фан ва юқори технологик тармоқларни ривожлантиришда оммавий илмий кашфиётлар ҳамда товар ва хизматларнинг янги истиқболли бозорларини яратиш билан чекланиб қолмай, балки биринчи навбатда, иқтисодиётда бевосита тараққий этишнинг янги механизми сифатидаги, унинг доирасида мунтазам ва тўхтовсиз равишда иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли янгиликлар кластерлари юзага келадиган ва фаолият юритадиган миллий инновация тизимларини (МИТ) яратиш энг самарали натижа бўлиб ҳисобланади. Бундай тизимларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун нафақат кучли илм-фан ва таълим тизими, балки институционал шароитларнинг бутун бир мажмуи талаб этилади.

– иккинчи босқич 1993–2000 йилларни қамраб олиб, бу даврда концепциянинг илмий ва сиёсий доираларда тарқалиши ва диффузияси даври бўлди. Унга миллий инновация тизими концепциясига ва алоҳида мамлакатлар миллий инновация тизимларини таҳлил этишга бағишланган ишларнинг кўпайиши, халқаро ташкилотлар томонидан МИТ методологиясининг шаклланиши ва қўлланилиши хос бўлди.

– учинчи босқич концепциянинг «мунозарали» ривожланиш босқичи бўлди. Бу босқич 2000 йилдан кейинги даврни қамраб олиб, ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу даврга хос хусусият концепциянинг назарий масалаларига эътиборнинг кучайиши ҳамда миллий давлатларнинг иқтисодий сиёсати учун назарий асос сифатида фаол қўлланилишидир.

МИТ концепцияси ЕИ нинг бир қатор аъзо-мамлакатларида, шунингдек, АҚШ ва Японияда кенг ривожланган. Концепциянинг асосий ғоялари, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 90-йилларнинг бошларидаёқ шакллантирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат[20]:

– замонавий иқтисодиёт ривожланишини таъминловчи, рақобатни шакллантирувчи энг муҳим омил инновациялар ва бизнесга хизмат қилувчи илмий тадқиқотлардан иборат эканлиги тўғрисидаги ғоялар;

– инновация фаолияти мазмуни ва таркибига таъсир кўрсатувчи асосий омил институционаллик эканлиги тўғрисидаги ғоялар;

– илм-фан иқтисодиёт ривожланишида ҳал қилувчи ўринга эга эканлиги ҳақидаги ғоялар.

Шу билан бирга миллий инновация тизимига таъриф беришда иқтисодиёт фанида яқдиллик мавжуд эмас ҳамда унинг мазмуни олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот мақсадидан келиб чиқилган эди. Жумладан, Лундваллнинг тадқиқотларида бир мамлакат доирасида инновацияларни ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги муаммолар марказий масала бўлиб, унинг концепциясига кўра технологияларни ишлаб чиқиш жараёнида фирмалар ўртасидаги ўзаро таъсир асосан мамлакат ичида юз беради ва унинг институционал тузилиши хусусиятлари билан белгиланади. Лундваллнинг ғояларини давом эттирган К.Фриман МИТ иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторида мавжуд бўлган институционал тармоқ бўлиб, унинг фаолияти инновацион технологиялар тарқалишини таъминлайди.

МИТ концепцияси асосчилари яқдиллик билан миллий инновация тизими – миллий чегара доирасидаги илмий билимлар ва технологияларни ишлаб чиқариш ҳамда тижоратлаштириш билан банд бўлган, ҳуқуқий, молиявий ва ижтимоий ўзаро таъсир институтлари томонидан таъминланувчи, барқарор миллий кадриятларга, анъаналар, сиёсий ва маданий хусусиятларга эга турли хил тузилмалар (кичик ва йирик корхоналар, университетлар, илмий тадқиқот институтлари) интеграцияси жараёни ва натижасидан иборат эканлигини таъкидладилар[7].

МДХ мамлакатларида МИТ концепцияси бўйича тадқиқотлар 2000 йилдан кейинги даврда амалга оширила бошлади. Жумладан, Россиялик иқтисодчи олимлардан Сергеев В.М., Алексеенкова Е.С. ва В.Д.Нечаевлар [10; 6-22 б.] хорижий мамлакатлар миллий инновация тизимини таҳлил этар эканлар, ҳар бир мамлакат МИТи мавжуд ижтимоий-иқтисодий муҳитга ҳамда давлатнинг инновация сиёсатига боғлиқ ҳолда фарқланишини таъкидлаганлар.

Миллий инновация тизими концепциясини Ўзбекистон шароитларига мослаштириш имкониятларини баҳолаган ҳолда, мамлакатимиз олимлари томонидан қатор хулосалар чиқарилганлигини таъкидлаш зарур. Уларнинг фикрига кўра, миллий инновация тизими инновацион фаолият субъектлари мажмуидан, улар ўртасидаги билимларнинг

**Жаҳон иқтисодийети ва зиёрат туризми**

юзага келиши, тарқалиши ва улардан фойдаланиш жараёнларини таъминлаб берувчи муносабатлардан ташкил топади. Инновация тизимининг асосий элементлари қаторида инновация инфратузилмаси, молиявий инфратузилма, илмий салоҳият каби кичик тизимларни санаб ўтиш мумкин [14; 127 б.].


Турли мамлакатларнинг миллий инновация тизимлари бир-биридан фарқлансада, уларнинг умумий хусусиятлари мавжуд. Миллий инновация тизими амал қилиши учун у маълум тузилишга эга бўлиши, ёки ўзаро таъсир этувчи тузилмалардан ташкил этган бўлиши керак. К.Фриман томонидан таклиф этилган миллий инновация тизимининг базавий модели қуйидаги учта жиҳатни қамраб олади (1-расм) [16,295-309]:

– МИТ агентлари, уларга таълим муассасалари (университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, технологик таъминловчи фирмалар), фирмалар ва давлат ташкилотлари, шунингдек, инновация истеъмолчиларини;

– МИТ турли элементлари ўртасида ўзаро таъсир ва алоқалар;

– ғоя ва билимлар оқимлари, шунингдек, билим олишга бўлган қобилият ҳам МИТнинг бир қисми сифатида унга киритилади.

Бундай моделнинг асосини инновацияга бўлган бозор талаби ташкил этиб, унда МИТ агентлари ўртасидаги ўзаро алоқа мавжуд муҳитда шаклланади ва ривожланади.



**1-расм. Миллий инновация тизимининг базавий модели**

МИТ пойдеворини яратадиган миллий иқтисодийетнинг таянч бўла оладиган соҳалари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

– билимларнинг юзага келиши (фан ва бошқа соҳаларда унинг бўғинлари);

– билимларни оммалаштириш ва кенг миқёсларда қўллаш (тадқиқотлар ва ишланмалар, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш);

– янгиликларни тижоратлаштириш (илмий-техник маҳсулотлар бозори, бозор институтлари);

– таълим тизими ва кадрларни касбга тайёрлаш;

– инновацион инфратузилмалар, шу жумладан молиявий таъминот;

– бошқарув ва тартибга солиш (ҳуқуқий база, давлат макроиқтисодий ва инновация сиёсати, корпоратив бошқарув, бозор механизмлари) [15; 123 б.].

Мазкур соҳаларнинг ташкилотлари ва корхоналари, унинг қуйи тизимлари, бўғинлари ва уларнинг ўзаро алоқалари, яъни миллий инновацион тизим тузилмасини ташкил этган ҳолда, инновационлик ва креативлик даражасига боғлиқ равишда тўлиқ ёки қисман МИТ таркибига киритилади.

Жаҳон банки томонидан таклиф этилган МИТ модели қуйидаги учта мантикий гуруҳ тузилмалар ва ўзаро муносабатлар тизимидан иборат:

– мамлакат инсон салоҳияти, ахборот-коммуникация соҳасининг ривожланиш даражаси, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш самарадорлиги, бизнес юритиш учун қулай муҳит;

– инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш воситалари, уларга инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг молиявий (грантлар, имтиёзли ёки кафолатли кредитлар) ва ташкилий (илмий-техникавий бизнес-инкубаторлар, технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, ярмаркалар ва б.) воситалари;

– инновацияларнинг мақсадлари ва натижалари. Буларга микродаражада сотув ҳажмининг ортиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, маблағ ва ресурсларнинг тежалиши, янги маҳсулот, технологияларнинг яратилиши, макродаражада эса миллий товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ортиши, энергия ва ресурслар тежамкорлиги, пировард натижада иқтисодийетнинг барқарор ўсиши киритилади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда миллий инновация тизими қуйидаги тўрт ташкил этувчи бирлиги ва улар ўртасидаги ўзаро таъсир этиш муносабатларидан иборат деб ҳисоблаш мумкин:

– билимлар шаклланивчи тузилма (университетлар, илмий институтлар, алоҳида мутахассислар ва турли институтлар ҳамда университетлар тадқиқотчиларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берувчи расмий ва норасмий мураккаб ижтимоий тизимлар);

– технологиялар трансфери тизими. Одатда янги ғоялар тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий этилмайди. Илмий ғояларни яратиш тизими билан технологик ўзлаштириш тизими ўртасида боғланиш кўп ҳолларда махсус билим ва малакани та-

лаб этади. Янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишда инновациялардан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш билан боғлиқ ахборот асимметрияси муаммоси мавжудлиги жиддий тўсиқ бўлади. Бу муаммони ҳал этиш учун илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар билан инновациядан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олувчи иқтисодий фаолият субъекти ўртасида воситачи ролини ўйновчи маҳсус тузилмалар зарур бўлади. Бундай вазифани кўп ҳолларда грант берувчи нотижорат фондлари, маҳсус тижоратлаштириш марказлари бажаради;

– молиялаштириш тизими. Бу тизим банк кредитлари, венчур молиялаштириш, бизнес-фаришталар, турли хил фондлардан ташкил топади. Банк кредитлари янги ишлаб чиқаришни йўлга қўювчилар учун хавф даражаси юқори бўлган молиялаштириш усулидир. Инновацион ишлаб чиқаришда риск даражаси юқори бўлиши сабабли банклар бундай лойиҳаларни молиялаштиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашадилар ва жуда юқори фоиз белгилайдилар, бу эса инновация фаолиятининг самарадорлигини камайтиради. Инновацияларни молиялаштириш турларидан бири ғоя муаллифи томонидан уни якуний маҳсулотни ишлаб чиқарувчига сотишдан иборат. Молиялаштиришнинг бундай тури ғоя эгасини рискдан қутулиш билан бир вақтда фойда олиш имкониятидан маҳрум қилади. Кўпчилик мамлакатларда инновацияларни молиялаштиришда венчур фондларининг аҳамияти катта. Бундай молиялаштиришнинг афзал томони инновацияларни яратувчининг уни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиши билан ифодаланади.

– инновацияларни ишлаб чиқариш тизими; инновацион ишлаб чиқаришнинг иккита муқобил варианты мавжуд: биринчи вариантда бундай ишлаб чиқариш тузилмасини йирик ишлаб чиқариш корхоналари таркибида ташкил этиш, бунда вертикаль интеграция имкониятларидан фойдаланилади, яъни мустақил бошқарув бўғини, кадрларни ҳисобга олиш ва ҳ.к.ларга сарфланувчи трансакция харажатлари тежалади. Иккинчи вариант – янги корхона ташкил этиш, бунда трансакция харажатлари корхонанинг кичиклиги ҳисобидан тежалади;

– инновацион кадрлар тайёрлаш тизими.

Юқорида таҳлил этилган таркибий тузилма элементлари барча инновация тизимлари учун хос ва замонавий миллий инновация тизими инновацион фаолиятнинг ривожланишини таъминлаб берадиган ташкилий, қонуний, тузилмавий ва функционал таркибий қисмлардан иборатдир.

Шу билан бирга улар ташкил этиш ва амал қилиш тамойиллари бўйича сезиларли фаркланиши мумкин. Миллий инновация тизимини ривожлан-

тириш стратегияси давлат томонидан ўтказилаётган макроиқтисодий сиёсат, норматив-ҳуқуқий таъминот, давлатнинг бевосита ва билвосита аралашуви шакллари, илмий-технологик ва саноат соҳа-лоҳияти ҳолати, ички товар бозорлари, меҳнат бозорлари хусусиятлари билан белгиланади [21,122]. Унинг ривожланишида шарт-шароитлар сифатида: таълим тизими ягона ахборот макони, ягона иқтисодий ва ҳуқуқий муҳит, миллий миқёсга эга йирик лойиҳалар, давлатнинг интеграцияловчи роли, жамиятнинг инновацион маданияти ва бошқалар аҳамиятга эга. Шу билан бирга у қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлсагина, самарали фаолият кўрсата олади:

– инновация жараёнини йўлга қўйиб юбориш учун етарли бўлган технологик ва интеллектуал соҳа-лоҳият;

– инновация тармоқлари иштирокчилари сонининг, шу жумладан унга янги ижтимоий гуруҳларнинг жалб этилиши натижасида, мунтазам ўсиб бориши;

– инновацион ривожланишга йўналтирилган институционал тизим (ҳам расмий, ҳам норасмий унсурларни ўз ичига олган ҳолда);

– кўп сонли хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар ва умуман МИТ томонидан инновацияларга талабнинг ортиши;

– инновация тизимини етарли даражада молиялаштириш имкониятига эга бўлган иқтисодий ривожланиш.


Ривожланган мамлакатларда бу талабларнинг бажарилиши, дастлабки тизимли шарт-шароитларнинг мавжудлиги, инновацион ривожланиш муаммоларини назарий жиҳатдан тушуниб етиш МИТнинг миллий чегаралар доирасида, яъни айнан кичик ва йирик корхоналар, университетлар, лаборатория, технопарклар, инкубаторлар ва инновацион жараёнларни таъминлаб берадиган ва қудратли миллий асосларга, сиёсий ва маданий хусусиятларга эга ҳуқуқ, молиявий ва ижтимоий тавсифга эга институтлар мажмуи доирасида илмий билимлар ва технологияларни яратиш ҳамда тижоратлаштириш билан банд узвий боғлиқ ташкилотлар (тузилмалар) мажмуи сифатида юзага келиши ва ривожланишига ёрдам берди.

**Хулоса.** Иқтисодий ўсишнинг самарали йўлига эришишни таъминлаш учун ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги сингари Ўзбекистонда ҳам миллий инновация тизимини шакллантириш ҳамда иқтисодиёт таркибида инновацион фаол тармоқлар ва корхоналарни ривожлантириш ва салмоғини ошириш керак.

Жаҳон тажрибаси бунга давлатнинг фаол аралашувисиз эришиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

**Жаҳон иқтисодийети ва зиёрат туризми**

Шу билан бирга, инновация сиёсати иқтисодий тартибга солиш, илм-фан ва саноат сиёсатлари билан узвий боғлиқ бўлиши керак (1.3-расм).



**1.3-расм. Инновация сиёсатининг илм-фан ва саноат сиёсатлари билан узвий боғлиқлиги**

Бу мажмуа қуйидагиларни қамраб олади:

- инновация маҳсулоти, технологиялар ва хизматларни ривожлантириш мақсадида давлатнинг грант, ссуда кўринишидаги молиявий ёрдами;
  - инновация жараёни қатнашчилари ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш ва миллий инновация тизими амал қилишини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш;
  - миллий инновация тизими инновация тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ахборотга эга бўлиш имкониятини кенгайтириш (тармоқ, секторлар ва минтақавий стратегиялар, прогнозларни ишлаб чиқиш, энг яхши инновацион корхоналар тажрибасини тарқатиш ва ҳ.к.);
  - инновация фаолияти ҳуқуқий таъминотини (интеллектуал мулк ҳуқуқи, инновация фирмаларини ташкил этиш ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, солиқ имтиёзлари ва ҳ.к.) такомиллаштириш;
  - инновация инфратузилмасини молиялаштириш.
- Давлат, илмий ва тадбиркорлик тизимлари миллий инновация тизимини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича биргаликда ҳаракат қилиб, бунда миллий инновация тизими қуйидаги ташкил этувчилардан иборат бўлиши кўзда тутилади:
- тадбиркорлик ривожланишини таъминлаш учун рақобат муҳити;
  - илмий тадқиқотларни олиб бориш учун зарур бўлган муҳит;
  - бу иккала муҳитнинг ўзаро таъсир механизми, у бир томондан билимлар трансфери ва улар-

нинг тарқалиши, тадбиркорлар учун инновацияларга трансформациясини ташкил этувчи бўлса, иккинчи томондан, тадқиқотчиларни ишлаб чиқариш ривожланишининг инновацияларга эҳтиёжини қондиришга йўналтириши керак.

– Давлат томонидан инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- инновация фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий асосни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- давлат бюджетидан инновация лойиҳалари ва дастурларини молиялаштириш;
- кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун инновация инфратузилмаси объектларини шакллантириш;
- давлат эҳтиёжлари учун фан сиғими юқори бўлган инновация маҳсулотлари ва кафолатли жорий этиш ҳамда тарқатиш мақсадида илғор техникани сотиб олиш;
- қонун доирасида инновация фаолиятини олиб борувчи, инновация лойиҳа ва дастурларига инвестиция киритувчи миллий ва хорижий инвесторлар учун имтиёзли шароит яратиш.

Юқорида санаб ўтилган барча воситаларни қўллаш инновацион билим ва технологияларни яратиш, сақлаш ва тарқатиш бўйича фаолиятларни амалга оширувчи илмий-инновацион соҳани бошқаришнинг барча субъектларини бирлаштирувчи миллий инновация тизимини шакллантиришни талаб этади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 - 2021 yillarda «O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida» 2018-yil 21-sentyabrdagi PF-5544-son Farmoni.
2. Sh.M.Mirziyoyev. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma‘ruzasi. Xalq so‘zi. 15.01.2017 y.
3. Abduvaliyev A.A. Globallashuv sharoitida innovatsion xizmatlar bozorini shakllantirishda klaster modellaring nazariy asoslari./ Innovatsion xizmatlar bozorini shakllantirish va rivojlantirish hamda uning O‘zbekiston Respublikasi hududlari iqtisodiyotining raqobatbardoshligini oshirishdagi ta’siri ilmiy maqolalar to‘plami. T.: LESSON PRESS. 2015. -3116 10-14-b.
4. Abduvaliyev A.A. Milliy iqtisodiyotda innovatsion klasterlarni shakllantirish va rivojlantirishning nazariy asoslari/Iqtisod va ta’lim. T.2017. №2.B73.
5. Dlinnye volny NTP i sotsialno-ekonomicheskoye razvitiye. – Novosibirsk, 1991.– 224 s.

6. Innovatsion tadbirkorlik: rivojlanish muammolari va xorij tajribasi. Abdullayev R.V. tahriri ostida Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017.-150 b.
7. Isadjanov, Abduvali (2018) "THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS," The Light Of Islam:vol.2018: iss.1, article 20. available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/20>
8. Kondrateva Ye.V. Natsionalnaya innovatsionnaya sistema: teoreticheskaya konsepsiya. URL: <http://www.schumpeter.ru/article.php?book=concept&id=8>.
9. Matveyeva T.V. Povisheniye konkurentosposobnosti promyshlennyykh predpriyatiya na osnove innovatsionnoy deyatelnosti. Uchebnoye posobiye Yekaterinburg: Izdatelstvo Ural. universiteta, 2018. — 152 s.
10. Santo B. Innovatsiya kak sredstvo ekonomicheskogo razvitiya / Obщ. red. B.V.Sazonova. – M.: Progress, 1990. – 296 s.
11. Sergeev V.M., Alekseyenkova Ye.S. V.D.Nechayev. Tipologiya modeley innovatsionnogo razvitiya. // Politika. M.:2008. №4. – 6-22 s.
12. Sadiqova, Ra'no (2018) "FOREIGN PRACTICE OF FORMING COMPETITIVE ENVIRONMENT IN SMALL BUSINESS," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/21>
13. Tviss B. Upravleniye nauchno-texnicheskimi novovvedeniyami. – M.: Ekonomika, 1989. – 217 s.
14. Xorijiy mamlakatlarda fan-texnika va innovatsiya siyosati. -Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016.-120 b.
15. Shumpeter Y. Teoriya ekonomicheskogo razvitiya. Kapitalizm, sotsializm i demokratiya. M: Eksmo, 2007. - 864 s.
16. O'zbekiston: jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, innovatsion taraqqiyot va milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirish. / A.F.Rasulev tahriri ostida. O'zR FA Iqtisodiyot instituti. 2011. – 127-b.
17. Qodirov A.M. va b. Milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish. / Monografiya. Toshkent, IQTISODIYOT – 2013. – 123-b.
18. Freeman C. Technical Innovation, Diffusion, and Long Cycles of Economic Development. The Long-Wave Debate / Ed. by T.Vasko. Berlin: Springer. 1987. P.295–309.
19. G'ulomova G.P. Innovatsiya faoliyatini moliyalashtirish tizimini takomillashtirish. Banklarning moliyaviy barqarorligi va resurslari yetarligini xalqaro me'yorlar va standartlar talablari asosida baholash va boshqarish. Xalqaro ilmiy-amaliy konf. TMI. Xalqaro konferensiya materiallari. Toshkent, 2016. B.30.
20. G'ulomova G.P. Kichik biznes innovatsiya faoliyatini qo'llab-quvvatlash tizimining institutsional shart-sharoitlari. TIU Ilmiy-tahliliy axborot. 2017 y. 2-son.
21. Technical Change and Economic Theory, Pin-ter, 1988. URL: <http://www.freemanchris.org/publications>.
22. Technical Change and Economic Theory, Pinter, 1988. URL: <http://www.freemanchris.org/publications>.
23. Batirova N. S. Theoretical aspects of the innovative development of the region //science and education: problems and innovations. – 2019. – C. 120-124.